

**Олий таълим муассасалари талабалари республика
фан олимпиадаси тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган давлат олий таълим муассасаларида (бундан буён матнда ОТМ деб юритилади) таҳсил олаётган талабалар давлат таълим стандарларига мувофиқ ўқув режасида назарда тутилган тегишли фанлар бўйича ўз билими ва табиий қобилиятларини намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларининг ноёб истеъдодларини рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (бундан буён матнда вазирлик деб юритилади) томонидан ҳар йили ўтказиладиган талабалар республика фан олимпиадасини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1-§. Асосий тушунчалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

талабалар фан олимпиадаси – талабаларнинг олий таълим муассасасида фанлар ва касбий тайёргарлик бўйича олган билимларини ижодий қўллаш, ўз иқтидорларини намоён этишга қаратилган мутахассислик ва умумкасбий фанлардан оммавий равишда ўтказиладиган интеллектуал танлов;

олимпиада таркибига киритилган мутахассислик ва умумкасбий фанлари – талабалар фан олимпиадаси таркибига кирадиган фанлар таянч ОТМ томонидан турдош ОТМ билан ўзаро келишилган ҳолда белгиланадиган фанлар туркуми;

олий таълимнинг давлат таълим стандарти – таълимнинг бакалаврият йўналиши ва магистратура мутахассислигига қўйиладиган малака талаблари, таълим мазмуни, бакалавр ёки магистр тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини, кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш даражаларини белгилайдиган эталон ҳужжат;

ижодий иш топшириқлари – ижодий иш олимпиада ўтказиладиган муайян мутахассислик ёки умумкасбий фанлар доирасидаги мавзу юзасидан бажариладиган ва талабалар ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган топшириқлар мажмуаси;

ёзма иш ёки амалий топшириқлар – фан дастурида белгиланган талабалар билимини баҳолашнинг таянч қонуниятларига асосланган, ўтилган фанларга нисбатан ижодий ёндашиш, мустақил фикрлаш, ўз билимини доимий равишда ошириш, адабиётлардан кенг фойдаланиш, ўз фикрларини ёзма равишда аниқ ва лўнда ифодалаб бериш ҳамда тақдим этиш каби хусусиятларини ўзида мужассамлантирган топшириқлар мажмуаси;

лаборатория топшириқлари – талабалар ўзлаштирилган назарий билимларни амалда қўллашга қаратилган топшириқлар мажмуаси;

тест топшириқлари – талабалар ақлий ривожланишини аниқлаш мақсадида ишлатиладиган, муқобил ечимлари кўрсатилган, тезкор аниқлашга қаратилган стандарт топшириқлар мажмуаси;

оғзаки топшириқлар – ўзаро диалог орқали талабанинг қобилиятини аниқлашга қаратилган оғзаки топшириқлар мажмуаси;

олимпиада топшириқларини баҳолаш мезонлари – талабалар фан олимпиадасида ғолибларни аниқлаш учун берилган топшириқларга жавобларнинг

қийматини белгиловчи баҳо, ўлчов ёки даража.

2. Республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган ОТМларда таҳсил олаётган талабалар орасида мазкур низомда белгиланган талаблар асосида вазирлик томонидан ҳар йили фанлар бўйича Олий таълим муассасалари талабалари республика фан олимпиадаси (бундан буён матнда Олимпиада деб юритилади) ўтказилади.

2-§. Олимпиаданинг мақсад ва вазифалари

3. Олимпиаданинг мақсади муайян фан бўйича республиканинг барча ОТМлари талабалари орасидан мутахассислик ва умумқасбий фанлар бўйича иқтидорли, қобилиятли ва истеъдодлиларни аниқлаш, улардаги ижодий қобилиятларнинг рўёбга чиқишига кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлашдан иборат.

4. Қуйидагилар олимпиаданинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган ОТМларда таҳсил олаётган талабалар орасидан энг иқтидорлиларини аниқлаш, қобилиятларини янада ривожлантириш мақсадида олимпиада ўтказиш;

ОТМларда иқтидорли талабалар билан ишлаш жараёнини янада такомиллаштириш;

ОТМдаги ўқув-тарбия жараёнининг замонавий талаблар даражасига кўтарилишини таъминлаш, фан ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини ошириш, қобилиятли ва истеъдодли талабаларни тайёрлаш ва тарбиялашга қаратилган ижодий изланишлари бўйича меҳнатини муносиб рағбатлантириш;

талабалар учун ўқув машғулотларини ташкиллаштиришда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда интерактив усулларни татбиқ этилишини таъминлаш, ижодиётини ривожлантириш;

олимпиада ғолиблари орасидан халқаро фан олимпиадаларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиш учун республика терма жамоасига номзодлар таркибини шакллантириш;

талабаларнинг билим ва қобилияти, иқтидори ва истеъдодини намоён этиши орқали улар таҳсил олаётган ОТМда таълим-тарбия жараёнини самарали йўлга қўйилганлигига баҳо бериш орқали уларнинг рейтингини аниқлашга кўмаклашиш.

3-§. Олимпиада ўтказиладиган фанлар

5. Олимпиада мутахассислик ва умумқасбий фанлари бўйича алоҳида ўтказилади.

6. Олимпиада таркибига киритилмаган мутахассислик фанларидан турдош ОТМ билан ўзаро келишилган ҳолда мусобақа ўтказилади. Мусобақани ўтказишни мувофиқлаштириш, ғолибларни рағбатлантириш муайян фан бўйича олимпиаданинг иккинчи босқичини ўтказадиган ОТМ томонидан амалга оширилади.

4-§. Олимпиадани ўтказиш босқичлари ва муддати

7. Олимпиадани ташкил этиш ва ўтказиш икки босқичда:

биринчи босқич ҳар жорий йилнинг март-апрель ойларида барча ОТМларда;

иккинчи босқич вазирликнинг буйруғи билан белгиланган муддатда тегишли фанлардан олимпиадани ташкил этиш ва ўтказишга масъул этиб белгиланган ОТМларда ўтказилади.

8. Таълим босқичидан қатъий назар олимпиаданинг биринчи босқичида биринчи ўринни эгаллаган талаба иккинчи босқичда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

9. Олимпиаданинг иккинчи босқичи ўтказиладиган ОТМ қоида тариқасида ҳар уч йилда ўзгартириб турилади.

10. ОТМ биринчи босқичда биринчи ўринни эгаллаган талабалар ҳақидаги маълумотни иккинчи босқич бошланишдан камида 10 кун олдин иккинчи босқич олимпиадасини ўтказадиган тегишли ОТМларга юборилади.

11. Олимпиаданинг иккинчи босқичи вазирлик буйруғида кўрсатилган

ОТМларда ўтказилади. Уларни самарали ўтказиш мақсадида масъул ОТМ ректори раҳбарлигида Ишчи ташкилий қўмита тузилади.

12. Вазирлик томонидан белгиланган масъул вакил ва олимпиада ўтказиладиган ОТМда тузилган Ишчи ташкилий қўмитага иштирок этувчи ОТМлари вакиллари томонидан тегишли фанлардан ўз саволлар мажмуаларидан иборат вариантларини олимпиада бошланишидан бир кун аввал тақдим этади. Тақдим этилган вариантлардан вазирлик томонидан белгиланган масъул вакил ҳамда олимпиада ўтказиладиган ОТМнинг Ишчи ташкилий қўмитаси янги учтадан кам бўлмаган вариантларни уч нусхада тузади ва конвертларга жойлаштириб муҳрлайди ва қуръа ташлаш йўли билан конвертлардан биттаси танлаб олинади.

13. Олимпиаданинг иккинчи босқичи 4 та турдан иборат бўлиб, 1) ижодий иш тайёрлаш; 2) ёзма иш ёки амалий, лаборатория топшириқларни бажариш (ёки матн таржима қилиш); 3) тест топшириқларини бажариш; 4) оғзаки топшириқларни қамраб олади ва ҳар бир тур 100 баллик тизимда Ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан баҳоланади ва баҳоларнинг ўртачаси ҳисобланиб, талабанинг шу турдан олган балли аниқланади. Талабанинг 4 та тур бўйича натижаси асосида эгаллаган ўрни белгиланади.

2-боб. Олимпиадани ўтказиш тартиби

1-§. Олимпиадани ўтказиш жараёнларини мувофиқлаштириш

14. Олимпиада жараёнини мувофиқлаштириш ишларига умумий раҳбарликни вазирликнинг буйруғи билан тасдиқланган Вазирлик ташкилий қўмитаси амалга оширади.

15. Ташкилий қўмитага олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари раислик қилади ва аъзолари таркибига қўйидаги ташкилотлардан вакиллар киритилади:

Вазирлик ҳамда вазирлик хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш марказининг масъул ходимлари;
олимпиаданинг иккинчи босқичини ўтказувчи ОТМлари ректори;
жамоат ташкилотлари вакиллари.

16. Вазирлик ташкилий қўмитаси қўйидаги ишларни амалга оширади:

олимпиаданинг иккинчи босқичи ўтказиладиган жойлари ва муддатини белгилаш;

олимпиаданинг биринчи ва иккинчи босқичларини жойларда ташкил этилиши, ўтказилишини мувофиқлаштириш, бошқариш ва назорат қилиш;

олимпиаданинг ўтказилишини оммавий ахборот воситаларида ёритишни ташкил қилиш.

2-§. Ҳакамлар ҳайъатининг вазифалари

17. Олимпиадани ўтказиш бўйича Ҳакамлар ҳайъати қўйидаги таркибда тузилади:

олимпиаданинг иккинчи босқичида ҳар бир фан бўйича малакали профессор-ўқитувчилар ва тажрибали мутахассислардан 5-7 кишидан иборат бўлган Ҳакамлар ҳайъати қуръа ташлаш йўли билан аниқланади ҳамда унинг таркиби олимпиада ўтказиладиган ОТМ ректори томонидан тасдиқланади.

18. Ҳакамлар ҳайъати қўйидаги вазифаларни бажаради:

тақдим этилган топшириқларнинг мазмуни ва фан дастури талабларига мос келишини аниқлаш ва ечимини текшириб чиқиш;

олимпиада жараёнида рўй бериши мумкин бўлган техник носозликлар ва англашилмовчиликларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

олимпиада иштирокчилари бажарган ижодий иш, ёзма иш ёки амалий,

лаборатория (ёки матн таржима қилиш), тест ва оғзаки топшириқларни текшириш ҳамда баҳолаш;

ғолибларни аниқлаш мақсадида уларнинг эгаллаган ўринларини белгилаш;

олимпиада якунлари юзасидан белгиланган тартибда ҳакамлар ҳайъатининг қарори лойиҳасини тайёрлаш ва тасдиққа тақдим этиш;

олимпиада натижаларини қатнашчилар ва жамоа раҳбарлари иштирокида эълон қилиш;

ўтказилган олимпиада натижалари ҳақида Ташкилий қўмитага батафсил ҳисобот бериш, зарур ҳужжатларни тақдим этиш.

19. Ҳакамлар ҳайъатининг қарорларида олимпиадада қатнашувчи талабаларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, шахсий паспорти асосида тўлиқ ва аниқ ёзилиши шарт.

3-§. Адолат комиссиясининг вазифалари

20. Ҳакамлар ҳайъати таркибига кирмаган малакали профессор-ўқитувчилар ва тажрибали мутахассислардан 3-5 кишидан иборат бўлган Адолат комиссияси қуръа ташлаш йўли билан аниқланади ҳамда унинг таркиби олимпиада ўтказиладиган ОТМ ректори томонидан тасдиқланади.

21. Адолат комиссияси:

олимпиада иштирокчиларининг шикоятларини олимпиада натижаси эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат муддат ичида кўриб чиқиш;

фан олимпиадалари қатнашчиларининг аризаларини ўқитувчи ва ҳакамлар ҳайъати аъзолари иштирокида кўриб чиқиш;

қабул қилинган қарор юзасидан тегишли баённома тузиш ва Ҳакамлар ҳайъати ҳамда Мандат комиссияси билан келишган ҳолда тасдиқлаш;

зарур ҳолларда ҳакамлар ҳайъати қарорини бекор қилиш ва ўзгартиришлар киритиш ҳукукига эга.

4-§. Мандат комиссиясининг вазифалари

22. Ҳакамлар ҳайъати ва Адолат комиссияси таркибига кирмаган профессор-ўқитувчи ва тажрибали мутахассислардан 3 кишидан иборат бўлган Мандат комиссияси қуръа ташлаш йўли билан аниқланади ҳамда унинг таркиби олимпиада ўтказиладиган ОТМ ректори томонидан тасдиқланади.

23. Мандат комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:

олимпиада иштирокчиларининг паспорти (асл нусхаси), рейтинг дафтарчаси (асл нусхаси) ва ОТМ раҳбариятининг йўлланмасини текшириш;

тегишли ҳужжатлари (паспорт, рейтинг дафтарчаси) мос келмаса, мандат комиссияси ёзма равишда вазирлик томонидан белгиланган масъул вакил ва олимпиаданинг II босқичини ўтказувчи ОТМ Ишчи ташкилий қўмитасига мурожаат этади. Ишчи ташкилий қўмита тегишли тартибда қарор қабул қилади ва баённома тузади;

гуруҳ раҳбарларини ўтказиладиган фандан бериладиган топшириқлар фан дастурига мос эканлиги билан таништириш;

тест, ёзма иш, амалий ишларни шифрлаб текшириш учун ҳакамлар ҳайъатига топширади;

ҳакамлар томонидан текширилган ишларни шифр бўйича рўйхатини тузади ва ғолибларни аниқлаш учун ҳайъатга тақдим этади.

5-§. Олимпиаданинг биринчи босқичини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

24. Олимпиаданинг биринчи босқичи ҳар бир ОТМда Вазирлик томонидан белгилаган муддатда ўтказилади. Унинг юқори савияда ўтказилишига шахсан ОТМ ректори масъул ҳисобланади.

25. Олимпиаданинг биринчи босқичини ўтказиш учун ОТМда Ишчи ташкилий кўмита тузилади. Унинг таркиби ректор буйруғи билан тасдиқланади ва қуйидагилардан иборат бўлади:

Ректор (Раис);

Илмий ишлар бўйича проректор (Раис ўринбосари);

Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи (Масъул котиб);

Аъзолари:

Маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича проректор;

Ўқув ишлари бўйича проректор;

ОТМ “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти вакили;

Факультет деканлари, ОТМнинг етакчи олимлари ва мутахассислари;

Жамоат ташкилотлари ва ҳомий ташкилотлар вакиллари.

Олимпиаданинг биринчи босқичида ОТМ томонидан олимпиада қатнашчиларининг билимларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади ва ректор томонидан тасдиқланади.

26. Олимпиада ўтказиладиган мутахассислик ва умумқасбий фанлар бўйича биринчи босқич топшириқлари фан дастурига мос ҳолда, тегишли кафедралар томонидан кўп вариантли қилиб тузилади ва ОТМ Ишчи ташкилий кўмитасига топширилади. Ишчи ташкилий кўмита мавжуд вариантлар асосида янги вариантларни тузади. Вариантлар махфийлигини таъминлаган ҳолда олимпиаданинг тегишли тури бошланиш вақтига қадар махсус сейфда сақланади ва олимпиаданинг тегишли тури бошланишидан олдин Ҳакамлар ҳайъатига топширади.

27. Олимпиаданинг биринчи босқичи қуйидагича амалга оширилиши тавсия этилади:

ижодий иш тайёрлаш;

ёзма иш ёки амалий, лаборатория топшириқларини бажариш (ёки матн таржима қилиш);

тест топшириқларини бажариш;

оғзаки топшириқларни бажариш.

Ижодий ишни тайёрлаш тартиби ва муддатлари ОТМ томонидан белгиланади.

28. Олимпиаданинг биринчи босқичи натижалари ОТМнинг Кенгашида муҳокама этилади. Фақат биринчи ўринни эгаллаган ғолиблар олимпиаданинг иккинчи босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади ва кенгашнинг қарори қабул қилинади.

29. Олдинги ўқув йилларида иккинчи босқич олимпиадасида қатнашиб биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган иқтидорли талабалар ушбу фан бўйича олимпиадада қайта қатнашиши мумкин.

6-§. Олимпиаданинг иккинчи босқичини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

30. Олимпиаданинг иккинчи босқичи Вазирлик буйруғи билан масъул этиб белгиланган ОТМларда ташкил этилади ва ўтказилади.

31. Олимпиаданинг иккинчи босқичини ўтказувчи ОТМлар Ишчи ташкилий кўмитаси таркиби ректор буйруғи билан тасдиқланади ва қуйидагилардан иборат бўлади:

Ректор (Раис);

Илмий ишлар бўйича проректор (Раис ўринбосари);

Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи (Масъул котиб);

Аъзолари:

Маънавий-ахлоқий ишлари бўйича проректор;

Ўқув ишлари бўйича проректор;

иштирок этаётган ОТМ вакиллари;

ОТМ “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти вакили;
Васийлар кенгаши, жамоат ва ҳомий ташкилотлар вакиллари.

32. Олимпиаданинг иккинчи босқичини талаб даражасида ўтказиш масъулияти ОТМ ректорлари зиммасида бўлади. Вазирлик ташкилий қўмитаси иккинчи босқичнинг ўтказилишини мувофиқлаштириш учун масъул вакилларни белгилайди ва улар жойларда умумий назоратни амалга оширади.

33. Олимпиаданинг иккинчи босқичини ўтказувчи ОТМ Ишчи ташкилий қўмитасининг вазифалари:

олимпиаданинг иккинчи босқичини мазкур Низом талаблари асосида ташкил этиш, олимпиадани ўтказиш жараёнини назорат қилиш ва Вазирликга ҳисобот бериш;

олимпиада иштирокчиларини кутиб олиш, жойлаштириш, овқатлантиришни ташкил этиш, зарур ҳолларда тиббий хизмат кўрсатиш ва кузатиш;

иштирокчилар ва жамоа раҳбарларини олимпиада Низоми, ўтказиш тартиби билан таништириш;

олимпиаданинг илмий-услубий жиҳатдан юқори савияда, адолат ва ошкоралик мезонлари асосида ўтказилишини таъминлаш;

олимпиада жараёнида рўй бериши мумкин бўлган техник носозликлар ва англашилмовчиликларнинг олдини олади ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

олимпиада натижаларини олимпиада иштирокчилари ва ОТМ мутасадди вакиллари иштирокида эълон қилиш, зарур ҳолларда иштирокчилар ва қатнашувчи ОТМлари мутасадди вакиллари саволларига жавоб бериш, уларнинг эътирозларини кўриб чиқиб ўрнатилган тартибда бартараф этиш;

олимпиада ўтказилаётган фанлар бўйича иккинчи босқичда топшириқлари фан дастурига мос ҳолда тегишли ОТМ вакиллари томонидан тақдим этилган вариантлар асосида Вазирликнинг вакили билан биргаликда ОТМ Ишчи ташкилий қўмитаси янги вариантларни тузиш ҳамда уларнинг махфийлигини таъминлаган ҳолда олимпиаданинг тегишли тури бошланадиган вақтга қадар махсус сейфда сақлаш ва олимпиаданинг тегишли тури бошланишидан олдин Ҳакамлар ҳайъатига топшириш;

олимпиадада қатнашувчи талабалар иштирокида тадбирларни ташкил этиш, кафедра ва деканатларда “Билимлар куни” рукнида маданий тадбирларни ўтказиш;

тарихий-маданий ёдгорликлар, муассасалар ва музейларга саёхатлар ташкил этиш;

олимпиада ғолибларини ва қатнашувчи ОТМ жамоаси раҳбарларини тақдирлаш ҳамда рағбатлантириш.

34. Олимпиаданинг иккинчи босқичида иштирок этаётган талабалар қуйидаги ишларни амалга оширади:

ижодий иш тайёрлаш;

ёзма иш ёки амалий, лаборатория топшириқларни бажариш (ёки матн таржима қилиш);

тест топшириқларини бажариш;

оғзаки топшириқларни бажариш.

Ижодий иш олимпиада ўтказилаётган муайян мутахассислик ёки умумқасбий фанлар доирасидаги мавзу юзасидан бажарилади.

35. Олимпиада ўтказиладиган жойга иштирокчиларни олиб келиш ва олиб кетиш, уларнинг йўллардаги ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча масъулият қатнашувчи ОТМлари ректорлари ва улар томонидан тайинланган масъуллар зиммасига юклатилади.

36. Олимпиада иккинчи босқичининг ўтказилиши юзасидан қатнашувчи талабалардан, жамоа раҳбарларидан натижа эълон қилингандан сўнг 4 соат ичида тушган ёзма шикоят ва аризалар Ташкилий қўмита ва Ҳакамлар ҳайъати томонидан олимпиада жараёнида бевосита жойида ҳал этилади.

37. Олимпиадани ўтказиш жараёнида тартиб бузган талаба Ҳакамлар ҳайъати

далолатнома асосида олимпиададан четлаштирилади. Дололатнома Ҳакамлар ҳайъати раиси ва аъзолари ҳамда тартиб амал қилмаган талаба томонидан имзоланади.

3-боб. Олимпиада ғолибларини аниқлаш тартиби

1-§. Олимпиада ғолибларини аниқлаш

38. Олимпиада ғолибларини аниқлаш ва тақдирлаш:

биринчи босқичда ОТМ ташкилий қўмитаси қарори натижаларига асосан;

иккинчи босқичда мутасадди ОТМ ишчи ташкилий қўмитаси қарорига кўра амалга оширилади.

39. Олимпиаданинг иккинчи босқичи ғолибларининг сони ҳар бир фан бўйича қуйидагича белгиланади:

биринчи ўрин – бир нафар;

иккинчи ўрин – бир нафар;

учинчи ўрин – бир нафар.

2-§. Олимпиадани якунлаш тартиби

40. Олимпиада иккинчи босқичини ўтказувчи ОТМнинг ташкилий қўмитаси томонидан бажарган ишлари бўйича дастлабки маълумотнома (Ҳакамлар ҳайъатининг хулосаси, мутасадди ОТМ қарори ва ҳ.к.) расмийлаштирилган ҳолда Вазирликнинг масъул вакилига олимпиада тугаган кунининг ўзидаёқ топширилади.

41. Вазирликнинг масъул вакили олимпиада натижаларини Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказига тақдим этади. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази олимпиада натижаларини умумлаштиради ҳамда якуний маълумотномани Вазирликнинг ташкилий қўмитасига тақдим этади.

42. Жойларда қабул қилинган Ишчи ташкилий қўмиталарининг қарорлари асосида Вазирликнинг буйруғи чиқарилади.

3-§. Олимпиада ғолиблари, уларнинг илмий раҳбарлари ҳамда фаол ташкилотчиларни тақдирлаш тартиби

43. Олимпиаданинг иккинчи босқичида 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган талабаларга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1, 2, 3 даражали дипломи ва талаба стипендиясининг тегишли равишда 5, 4, 3 баравари миқдорда пул мукофотлари белгиланади.

44. Олимпиадани ўтказишда фаол қатнашган ташкилотчилар, илмий раҳбарлар ОТМ буйруғи асосида рағбатлантирилади.

4-§. Олимпиаданинг молиявий таъминоти

45. Олимпиаданинг иккинчи босқичини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ОТМларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

46. Олимпиаданинг иккинчи босқичи ғолиблари ва уларнинг илмий раҳбарларига бериладиган пул мукофотлари ҳамда йўл харажатлари ўз ОТМлари ҳисобидан қопланади.

47. Олимпиадани ўтказиш жараёни ва натижалари тўғрисидаги ахборотлар Вазирликнинг расмий веб-сайтида ёритилади.

4-боб. Якуний қоида

48. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

Олий таълим муассасаси талабалари республика фан олимпиадаси I босқичининг ўтказилиши ҳақида ҳисоботи таркиби:

1. Олий таълим муассасасида фан олимпиадасининг ўтказилиши ҳақида қисқача ҳисоботи;
2. ОТМ кенгаши қароридан кўчирма;
3. Олий таълим муассасаларидан қатнашган талабалар ва илмий раҳбарлар ҳақида маълумот (ҳар бир фан бўйича алоҳида, 1-шакл);
4. Олимпиада дастури, олимпиада топшириқлари 4 та тури бўйича тузилган вариантлар ечими билан (электрон кўринишда, шрифт Times New Roman 14 шаклда) бўлиши шарт;
5. Олимпиаданинг I босқичи ғолиби бўлган талабаларнинг паспорт нусхаси, маълумотномаси ва тавсифномалари (электрон кўринишда, шрифт Times New Roman 14 шаклда), рейтинг дафтарчасидан нусха ва 2 дона расм (3-4-шакл).

Олий таълим муассасаси талабалари республика фан олимпиадаси II босқичининг ўтказилиши ҳақида ҳисоботи таркиби:

1. Мутасадди олий таълим муассасасида фан олимпиадасининг ўтказилиши ҳақидаги қисқача ҳисоботи;
2. Олий таълим муассасаларидан қатнашган талабалар ва илмий раҳбарлар ҳақида маълумот (2-шакл);
3. Ҳакамлар ҳайъати, мандат комиссияси, адолат комиссияси ҳақида маълумот (Ф.И.Ш., вазифаси, илмий даража ва илмий унвони, ташкилоти);
4. Олимпиада дастури, олимпиада топшириқлари 4 та тури бўйича тузилган вариантлар ечими билан (электрон кўринишда, шрифт Times New Roman 14 шаклда) бўлиши шарт;
5. Сарф-ҳаражатлар сметаси;
6. Олимпиаданинг II босқичи I, II, III ўрин ғолибларининг паспорт нусхаси, маълумотномаси ва тавсифномалари (қоғоз ва электрон кўринишда, шрифт Times New Roman 14 шаклда), рейтинг дафтарчасидан нусха ва 2 дона расм (3-4-шакл).

Талабалар Республика фан олимпиадаси I босқичи ғолибларининг рўйхати

(ОТМ номи)

(олимпиада ўтказилган фаннинг номи ва блоки)

Т/р	Талаба Ф.И.Ш	Туғил- ган жойи, санаси, миллати ва ҳозирги яшаш жойи	Факуль- тети, таълим йўналиши, ва курси	Илмий раҳбарининг Ф.И.Ш. ва кафедраси, мутахасислиги, илмий даражаси ва илмий унвони	Турлар бўйича тўплаган баллари				Жами тўплан- ган балл	Эгал лаган ўрни
					1- тур	2- тур	3- тур	4- тур		

*таълим муассасасида ўтказилган ҳар бир фан учун алоҳида тақдим этилади.

Ташкилий қўмита раиси

(имзо)

(ф.и.ш.)

М.Ў

Талабалар Республика фан олимпиадаси II босқич иштирокчиларининг рўйхати

(ОТМ номи)

(олимпиада ўтказилган фаннинг номи ва блоки)

Т/р	Талаба Ф.И.Ш	Туғил- ган жойи, санаси, миллати ва ҳозирги яшаш жойи	Факуль- тети, таълим йўналиши, ва курси	Илмий раҳбарининг Ф.И.Ш. ва кафедраси, мутахасислиги, илмий даражаси ва илмий унвони	Турлар бўйича тўплаган баллари				Жами тўплан- ган балл	Эгал лаган ўрни
					1- тур	2- тур	3- тур	4- тур		

*таълим муассасасида ўтказилган ҳар бир фан учун алоҳида тақдим этилади.

Ташкилий қўмита раиси

(имзо)

(ф.и.ш.)

М.Ў

МАЪЛУМОТНОМА

_____ (Ф.И.Ш.)

Расм
(3,5x4,5)

У ____ . ____ . 20__ дан буён _____ талабаси
(ОТМ)

Туғилган йили:
__ . __ . ____ й.

Туғилган жойи:
.....

Миллати:
.....

Партиявийлиги:
.....

Маълумоти:
.....

Ўқиётган таълим йўналиши:

Қайси чет тилларини билади (тўлиқ кўрсатилиши лозим):
.....

Қайси чет мамлакатларида бўлган:
.....

Қайси Давлат мукофотлари билан тақдирланган:
.....


МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

.....—..... йй. -

_____ нинг яқин қариндошлари хақида
(Ф.И.Ш.)

МАЪЛУМОТ

Қариндошлиги	Фамилияси, исми, шарифи	Туғилган йили ва жойи	Иш жойи ва лавозими	Турар жойи
.....
.....



ТАВСИФНОМА

(Ф.И.Ш., ОТМ ва курси)

1. Туғилган жойи, йили, санаси: _____
2. Миллати: _____
3. Таълим йўналиши бўйича илмий изланишлари: _____
4. Давлат стипендияси совриндорлиги: _____
5. Мақолалари: _____
6. ОТМда (Республика ва хориж)да ўтказилган илмий-амалий конференцияларда иштироки: _____
7. «Камолот» ЁИХнинг бошланғич ташкилоти аъзоси: _____
8. ОТМдаги ташкилотчилик фаолияти: _____
9. Бошқа ютуқлари: _____

